*Ягона сиёсий кун: Меҳнатсиз даромадларга қарши курашайлик*

**«Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш — социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш ва социал-адолат принципини амалга оширишнинг муҳим шарти» — ўтган жума куни пойтахт области шаҳарлари ва районларида бўлиб ўтган ягона сиёсий кун мавзуси шу масалага бағишланди.**

**Меҳнат коллективларида бўлиб ўтган жонли суҳбатда маҳаллий партия, совет ходимлари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, мутахассислар, сиёсий докладчилар, пропагандистлар КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш чоралари тўғрисида»ги қарорини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтириб бердилар.**

# ЯХШИ АНЪАНА БЎЛИБ ҚОЛДИ

Заводимизда ягона сиёсий кунлар ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бундай кунларда завод ишчилари, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ўзларини қизиқтирган масалалар, ютуқлар, камчиликлар, тараққиёт босқичлари ҳақида батафсил гаплашиб оладилар. Навбатдаги ягона сиёсий кун КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига бағишланди. Шундай кунларда заводда сайлаб қўйилган активлар, сиёсий докладчилар ва пропагандистлар партия ва ҳукуматнинг муҳим ҳужжатларини пропаганда қилиш ва тушунтириш бўйича олиб бориладиган ишлар, шунингдек ўн иккинчи беш йилликда ва унинг дастлабки йилида корхона коллективи олдида турган вазифалар, қўлга киритилаётган ютуқларни янада кўпайтириш омиллари ҳақида ягона сиёсий кун иштирокчиларига сўзлаб бердилар.

— Дарҳақиқат, биз ўз корхонамиз билан ҳақли равишда фахрланамиз,— деди партия комитетининг секретари Ш. Файзиев.— Бугунги кунда завод маҳсулотлари жаҳоннинг 19 та мамлакатига чиқарилмоқда. Пахта терадиган машиналаримизнинг дунё кезиб дўстлик, тинчлик ва тараққиёт учун хизмат қилаётганидан қувонамиз. Бундай маҳсулотларга бўлган талаб ва эҳтиёж кундан кунга ортиб бормоқда. Айни вақтда барча буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш бизнинг бирдан-бир мақсадимиздир.

Ҳа, сифат масаласи партиямиз ўртага қўйган масалалар ичида биринчи ўринни эгаллаб турибди. «Ташсельмаш»чиларнинг бу соҳага алоҳида эътибор бераётганликларининг боиси ҳам шундан. Бунга эришишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формаси, айниқса, баракали таъсир кўрсатмоқда. Айтиш мумкинки, корхонада бу соҳада етарли даражада тажриба тўпланган. Ўтган беш йилликнинг биргина сўнгги йилида бригада формасига ўтиб ишлаётганлар сони деярли уч баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда 306 бригада ана шу усулда самарали меҳнат қилмоқда. Бу бригадаларда иш ҳақи пировард натижага қараб тўланмоқда. Р. Муҳамадзянов, И. Аллонов, Д. Атаманов, У. Тошпўлатов, Р. Рихсиев, А. Тўраев, Б. Абдужабборов каби коммунистлар етакчилик қилаётган бригада ишчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан пудрат усулининг афзалликларини амалда намоён қилмоқдалар.

Корхона цехларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилган. Илғор ишчилар шахсий манфаатларини жамият манфаатларига бўйсундирмоқдалар. Бу эса иқтисодий, социал-сиёсий, тарбиявий жиҳатдан ғоят муҳим роль ўйнамоқда. Бир сўз билан айтганда юксак сиёсий онг, давлат мулкига авайлаб муносабатда бўлиш корхона ишчи-хизматчиларининг фазилатларига айланиб бормоқда.

Социалистик мусобақанинг коллектив характери, ишчиларнинг шахсий ташаббуслари ва пировардида, уларнинг ишлаб чиқаришдан, самарали меҳнатдан манфаатдорлиги кундан-кунга ортиб бормоқда. «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Ўз касбининг моҳири», «Сифат аълочиси» каби ҳаракатлар тобора кенг қулоч ёймоқда. Корхона ишчиларининг саксон процента аралаш касбларни эгаллашган, 94 процентдан кўпроқ ишчи ўз маҳсулотларини дастлабки ишлаб чиқаришдаёқ техника контроли бўлимига топширмоқда, 514 ишчига техника назоратисиз маҳсулотлар топшириш ҳуқуқи берилган.

Меҳнатсиз даромадларга қарши курашга бағишлаб «Ташсельмаш»да ўтказилган навбатдаги ягона сиёсий кун ҳам завод ишчи-хизматчиларини кўп нарсаларга ўргатди. Энг муҳими, улар ҳар бир материал ва хом ашёни сарфлаш, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтиришдаги ҳали фойдаланилмаётган резерв ва имкониятларни ишга солиш, илғор тажрибаларни оммалаштиришдаги мавжуд нуқсонларни тезроқ бартараф этиш, ўн иккинчи беш йиллик биринчи йили план ва мажбуриятларини муддатидан илгари бажаришни таъминлаш керак, деган хулосага келдилар.

**В. КЛЕМЕНТЬЕВ,**
**«Ташсельмаш» заводи инженери.**

# БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Тушки дам олиш вақти. Завод клуби томон ишчилар оқими бормоқда. Йўл-йўлакай улар бугунги ягона сиёсий кунда муҳокама қилинадиган масала ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашишарди. Бугун долзарб масалалардан бири — меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтиришга бағишланган масаланинг муҳокама қилинишини олдиндан билишарди. Бундан бир неча кун илгари хабардор қилинган эдилар.

Социалистик турмуш тарзимизга ёт бўлган меҳнатсиз даромадларга қарши кураш Коммунистик партия даъвати билан бошланиб, кўлами кун сайин кенгайиб бормоқда. Барча совет кишилари қатори Тошкентдаги тажриба-механика ремонт-экскаватор заводи ишчи-хизматчилари ҳам бу қарорни тўла маъқуллаб кутиб олдилар. Корхонада давлат мулкига, халқ мулкига кўз олайтирувчиларга нисбатан муросасизлик вазияти вужудга келтирилмоқда. Бу ўзининг самарасини бермоқда. Илгари тез-тез учраб турадиган майда ўғирликлар кескин камайди.

Клубда тўпланган юзлаб ишчи-хизматчилар ҳузурида докладлар билан чиққан завод директорининг ўринбосари Раиса Николаевна Сударикова, бўлим мудири Эдуард Борисович Васильевлар КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг аҳамияти ва моҳиятини яна бир бор тушунтириб, унинг барча меҳнат коллективларида соғлом муҳит, ҳалоллик, социалистик адолат принципларини қарор топтириш ва кучайтиришга олиб келишини алоҳида таъкидладилар. Бунга эришишда ҳар бир ишчи-хизматчининг у оддий токарь, слесарь ёки раҳбар бўлишидан қатъий назар, ўзининг кундалик меҳнати, аҳлоқ-одоби, юриш-туриши билан, умумхалқ мулкини кўз қорачиғидай сақлашга бўлган астойдил интилиши катта роль ўйнайди.

Йиғилишда корхона коллективининг ўтган ярим йилдаги иши натижаси атрофлича муҳокама қилинди. Ремонтчилар ўн иккинчи беш йилликни дуруст бошлаганликларини кўрсатувчи фактлар келтирилди. КПСС XXVII съезди қарорлари туфайли коллективда вужудга келган юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик ютуқлар негизи бўлмоқда.

Корхона цехларида техникани тараққий эттириш билан боғлиқ бўлган тадбирлар ҳам тўхтовсиз амалга оширилмоқда.

Ягона сиёсий кунда коллектив фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш йўлларига катта эътибор берилди. Ҳали ҳам мавжуд резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланилмаётганлиги, коллектив ўртасида олиб борилаётган ташвиқот-тарғибот, оммавий-сиёсий ишлар давр талаби даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Бу ишчи-хизматчилар томонидан совет кишисига хос бўлмаган айрим қусурлар содир қилинаётганлигида ўз ифодасини топмоқда. Майда ўғирлик каби ҳодисалар онда-сонда бўлса ҳам учраб турипти. Бу ҳам меҳнатсиз даромад қилишга бўлган уринишдир. Йил бошидан бери бир неча шундай ҳодиса содир бўлди. Тўғри, унинг айбдорлари жазоландилар.

Ягона сиёсий кун қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар, коллектив барча аъзоларининг меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтиришга, бу эскилик сарқитига нисбатан бефарқ бўлмасликка чақирдилар.

**М. МИРҲАМИДОВ.**

# БУХОРОГА ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

**Ҳурматли редакция! Биз Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтидаги ихтисосликлар ҳақида батафсилроқ билмоқчи эдик. Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Бир группа ўқувчилар, Оржоникидзе райони.**

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти республикамиздаги йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. Унда озиқ-овқат, нон маҳсулотлари технологиялари, енгил саноат, инженер-педагогика факультетлари бор. Бу факультетлар озиқ-овқат саноати машиналари ва аппаратлари, умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш, озиқ-овқат саноати моллари экономикаси ва уни ташкил этиш, донни сақлаш ва қайта ишлаш, тикувчилик буюмлари технологиялари, машинасозлик, қурилиш, тўқимачилик сингари 19 ихтисослик бўйича инженер-мутахассисларни етиштиради.

Ҳозирги пайтда институтимизда республикамизнинг турли областларидан келган ёшлар билим олишмоқда. Булар орасида Тошкент областидан борган йигит-қизлар ҳам анчагина.

Кўпгина олий ўқув юртларидаги каби бу институтда ҳам ўқиш кечки, сиртқи ва кундузги бўлимларда ташкил этилган. Кундузи ўқийдиганлар барча қулайликларга эга бўлган ётоқхонада истиқомат қилишлари мумкин. Шунингдек билим даргоҳимизда ёшларнинг бадиий ҳаваскорлик, спорт билан шуғулланишлари учун имкониятлар яратиб берилган.

Кўҳна тарихий обидаларга бой бўлган Бухорони сайр этиш, ёдгорликлар билан танишиш мақсадида саёҳатлар уюштириш каби тадбирлар институт комсомол-ёшлари ҳаётида анъанага айланиб қолган.

Институтда студентларни қабул қилиш тартиби бошқа олий ўқув юртлариники каби. Кирувчилар ўрта маълумоти ҳақидаги ҳужжат — аттестатнинг ёки дипломнинг асл нусхасини, олий ўқув юртларига кириш учун (мактаб, ўқув юрти ёки охирги иш жойидан) характеристика, ишлайдиган бўлса меҳнат дафтарчасидан кўчирма, соғлиғи ҳақида 86-У формадаги справка, 3х4 см ҳажмидаги бош кийимсиз туширилган олтита фотосуратларини ректор номига ёзилган ариза билан қўшиб топширадилар.

Абитуриентлар паспорт, ҳарбий билет ёки ҳарбий гувоҳномани шахсан кўрсатадилар. Институтга технология ихтисослиги бўйича кирувчилар химия (оғзаки), математика (ёзма), она тили ва адабиётдан (ёзма), техника ихтисосликлари бўйича кирувчилар эса физика (оғзаки), математика (ёзма), она тили ва адабиётдан имтиҳон топширадилар.

Аризалар кундузги бўлимга 1 июлдан 31 июлгача, кечки бўлимга 20 июндан 31 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари кундузги бўлимга 1 августдан 20 августгача, кечки бўлимга 11 августдан 15 сентябргача, сиртқи бўлимга 15 майдан 15 сентябргача ўтказилади.

Шу йилдан бошлаб институтда ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш истаги бўлган абитуриентлар кириш имтиҳонларидан аввал касб танлаш бўйича комиссиялар суҳбатидан ўтадилар. Суҳбатда тўплаган баллари ва имтиҳонлардан конкурс бўйича муваффақиятли ўтган абитуриентлар студентликка ўтадилар.

Бухорога ўқишга таклиф этамиз сизни, қадрли ёшлар,

**Ҳ. НАРЗУЛЛАЕВ,**
**Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси.**

*СУД ҲУКМИДАН КЕЙИНГИ МУЛОҲАЗАЛАР*

# ҚАЛЛОБЛИК ОҚИБАТИ

## ЁКИ МЕҲНАТСИЗ ДАРОМАД ОРТТИРГАНЛАР ҚИСМАТИ

КЕЧ куз кунларининг бирида пойтахтдаги «Дўстлик» ресторани олдига 63—89 ТНФ номерли «Жигули» келиб тўхтади. Бу ерга ҳар минутда келиб-кетаётган бир нечта енгил машина орасида бир кишидан бошқа ҳеч ким унга алоҳида эътибор бермади. «Бир киши» эса у машинани кутиб турарди. Тўхташи билан ҳайдовчининг ёнига ўтирди ва салом-аликдан сўнг мақсадга ўтишди.

— Олиб келдим,— деди жиззахлик Ҳикмат Бобоев.

— Уёққа қўй,— деди тошкентлик Ҳожиакбар Адҳамов орқа ўриндиққа ишора қилиб.

Адҳамов ён-верига ўғринча қараб қўйди. Бобоев эса парво қилмай қўлидаги қоғоз ўрамини орқа ўриндиққа ташлади...

Қоғознинг ичида 15 минг сўм пул бор эди.

Ўша пайтда уларнинг иккиси ҳам вақти келиб бу «олди-берди» воқеасини гапириб беришни хаёлларига келтирмаган эдилар. Айниқса, суд залида судланувчи сифатида ҳикоя қилиш етти ухлаб тушларига ҳам кирган эмас. Акс ҳолда, улар бу жиноятни содир этмаган, давлат, халқ мулкига кўз олайтирмаган бўлур эдилар.

Акс ҳолда... орадан уч-тўрт ой ўтиб бу икки одам ўртасидаги жиноий олди-берди яна такрорланмаган — Бобоев Адҳамовнинг квартирасида, ошхонада унга нақд 31 минг сўм узатмаган бўлар эди!..

Афсуски, улар буни ўша пайтда тушуниб етишмади. Меҳнатсиз даромад, бир-икки қоғозга имзо чекиш билан киссаларига тушиб турган пачка-пачка пуллар иккаласининг ҳам онгини заҳарлаб, соғлом фикр юритиш хусусиятидан маҳрум қилиб қўйган эди. Очкўзлик, текин бойликка ҳирс қўйиш, ҳаромдан ҳазар қилмаслик оқибатда иккисини ҳам қора курсига ўтқазди. Начора, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

...Ҳожиакбар Адҳамов 1944 йилда Тошкентда туғилган. Олий маълумотли. Жиноий иши учун КПСС сафидан ўчирилган. Бу сафаргиси учун эмас, олдинги иши бўйича. У амал курсиси кичикроқ бўлса ҳам пул чиқадиган жойни қидирди. Ҳа, така бўлсин сут берсин қабилида иш тутиб, Оржоникидзе район маиший хизмат кўрсатиш комбинатига ишга киради, турли вазифаларда ишлайди. 1981 йилдан бошлаб эса механик, яъни пахтага ишлов бериш машиналарининг созловчиси бўлиб ишлай бошлайди. Қинғир ишлар учун унинг устидан жиноий иш қўзғатилиб, Тошкент область судининг 1985 йил 19 июлдаги ҳукмига кўра икки йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишларига жалб этилади — ҳар ойлик иш ҳақининг 20 процентини давлат фойдасига ўтказиш жазоси белгиланади.

Ана шу суддан кейин аввало Ҳожиакбар Адҳамовнинг ўзи, қолаверса у ишлаётган «Ташоблфоторазнобитсбит» ташкилотининг раҳбарлари хулоса чиқариб олиши керак эди. Аксинча, улар Адҳамовнинг «нодир қобилиятига» тан бериб, бу қобилиятдан ўзларининг ғараз мақсадларини амалга оширишда фойдалана бошладилар. Адҳамовнинг суддаги кўргазмасидан: «Мен 1982 йилнинг ёз ойларида директор Ҳидоятовнинг буйруғига асосан ўзимнинг 63—89 ТНФ номерли «Жигули» машинамда пахта титиш цехи бригадири В. Уляхин билан бирга Жиззахдаги Пахтакор пахта қабул қилиш пунктига бордим. Шу ерда ишлайдиган Эмма исмли аёл билан гаплашдик. Лекин ҳужжатларсиз борганимиз учун пахта олиб кела олмадик. Икки ойлардан кейин ҳужжатлар билан борганимиздан сўнг пахта юк машиналарида Оржоникидзе районига жўнатилди».

Шундан сўнг Адҳамов ўзининг бу ҳаракатларида жиноят йўқлигини таъкидлаб, Бобоевдан пора сифатида 46 минг сўм олганини ҳам рад этди.

Бироқ, фактлар ва далил-исботлар ўжар бўлади, ундан ҳеч қаёққа қочиб қутулолмайсан. Мана Бобоев нима дейди: «Пахтакордаги пахта тозалаш заводида ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб юрганимда 1982 йил ёзда Адҳамов Петр деган киши билан келди. Адҳамов ўзини бошлиқ, ҳамроҳини эса цех бошлиғи деб таништирди. Биз 100 тонна пахта толаси ўрнига улюк (ўлик, энг сўнгги чиқит дегани) ва линт юборишга келишдик. Мен уларга ҳар бир килограмм учун 30 тийиндан, жами 45 минг сўм нақд пул элтиб берадиган бўлдим. Келишилгани бўйича Тошкентга бориб телефон қилдим, Адҳамов «Дўстлик» ресторани олдига машинасида келди, 15 минг сўмни орқа ўриндиққа ташладим. Кейинроқ, 31 минг сўмни квартирасида ошхонада ўтирганимизда бердим. Унинг минг сўми машинага юк ортиш ва туширишга ёлланганлар учун эди». Судда гувоҳ сифатида сўралган қатор гувоҳларнинг рад этиб бўлмас далилларидан сўнг Адҳамовнинг юқоридаги порани олганлигига шубҳа қолмади.

Кейинги йилларда авж олган қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликлар мана шунақа узун ва мураккаб занжир орқали «реализация» қилинган эди. Бу бир жиноят эса ўз навбатида бошқа — иккинчи жиноятни келтириб чиқаради. Сўнг учинчи, тўртинчи... жиноят ва жиноятчилар! Яъни, хўжаликлар планига ҳаводан олиб тиркалган юзлаб, минглаб тонна пахта учун давлат кассасидан пул олинган. Бу пулнинг бир қисми қоғозда бору амалда йўқ пахта ўрнида пахта заводига «борган». Пахта заводи эса ўз навбатида бу пулнинг бир қисмини истеъмолчига — ишлаб чиқариш корхоналарига чўзган. Улар бунинг эвазига «мунча тонна тола ёки пахта олдик» деб ҳужжат ёзиб берганлар. Аслида эса ҳар килограмми фалон пул турадиган қимматбаҳо тола ўрнига тоннаси 2—3 сўм турадиган улюк ёки линт қабул қилиб олишган. Ҳ. Адҳамовнинг операцияси, тўғрироғи, у воситачилик қилган ва амалга оширган операциянинг мундарижаси ҳам худди шундан иборат...

У ўн йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Олдинги жазодан қолган уч ой ҳам қўшиб берилди. Мол-мулки мусодара қилинди.

Яна бир жиноятчи, порахўр қонуний жазосини олди. Бироқ суд залида сўроқ-жавоб пайтида ҳам, ундан кейин ҳам мени бир савол қийнайди: бу жиноятни Адҳамовнинг ёлғиз ўзи амалга оширдими? Шундоққина пойтахтнинг ёнбошидаги районда, давлат корхонасида қандай қилиб жиноятга йўл очиб қўйилди? Ахир 150 тонна йўқ пахтани бор қилиш осонми, бу иш бир одамнинг, оддийгина механик вазифасида ишлайдиган одамнинг қўлидан келадими? Бошқа жиноятчилар — ҳамтовоқлар ҳам қонуний жазосини олади, иш олиб бориляпти. Лекин мен жиноий жавобгарликка тортилмайдиган, бевосита бу ишга аралашмаган, бироқ мазкур жиноятнинг рўй беришига йўл очиб қўйган масъул кишиларни назарда тутяпман. Ахир 150 тонна йўқ пахтадан тайёрланган маҳсулотлар қаёққа кетгани билан жилла қуриса тармоқ ревизорлари, район БХСС ходимлари қизиқиб кўришмабди-да. 15 килограмм эмас, 150 тонна-ку!

Ҳа, нафс балосига гирифтор бўлган Ҳожиакбар Адҳамов ва Адҳамовларнинг аввалига тараллабедод, пировардида эса аянчли аҳволи кўп нарсаларни ўйлашга мажбур этади, ўйлатади...

**Қ. АБДУЛҲАСАНОВА,**
**Тошкент область судининг аъзоси.**

# ЧЕТ ЭЛ ХАБАРЛАРИ

## КЎП НУСХАДА БОСИБ ЧИҚАРИЛДИ

ДАККА, 12 июль. (ТАСС). Бугун бу ерда «Тинчлик, тараққиёт ва ривожланиш учун: М. С. Горбачевнинг танланган мақолалари ва нутқлари» китобини тақдим этиш маросими бўлди. Китобни «Жатио — Сахитто Прокашони» нашриёти бенгал тилида кўп нусхада босиб чиқарди.

«Бангладеш — СССР» дўстлик жамияти уюштирган маросимда Бангладеш Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Муҳаммад Фарҳод, бошқа сиёсий партияларнинг, жамоат ташкилотларининг, дипломатия корпусининг намояндалари ҳозир бўлдилар.

## Миллий байрам нишонланмоқда

ПАРИЖ, 14 июль. ТАСС мухбири Виктор Хреков хабар беради: бугун Франция халқи миллий байрами — Бастилия ишғол этилган кунни тантана билан нишонламоқда.

Бу йил Франция байрамни сиёсий кураш, кескинлашган социал-иқтисодий танглик янада чуқурлашган бир вазиятда нишонламоқда.

Францияда тинчлик тарафдорларининг ҳаракати кенг қулоч ёйди. Халқаро вазият жиддий кескинлашган шароитларда президент Ф. Миттеран билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Москвадаги музокараларининг аҳамияти оз бўлгани йўқ, деди ТАСС мухбири билан суҳбатда Франция тинчлик ҳаракати миллий кенгашининг секретари Даниель Сирера. Тажриба шуни кўрсатадики, Совет-Франция сиёсий мулоқоти, икки томонлама ҳамкорлик халқаро иқлимни соғломлаштиришга, ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга ёрдам бермоқда, кескинликни юмшатиш ишига хизмат қилмоқда. Франция билан Совет Иттифоқи ядро қуролига эга бўлган давлатлар, БМТ хавфсизлик кенгашининг доимий аъзолари сифатида ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ядро фалокатининг олдини олишга кўмак бериш учун кўпгина имкониятларга эгадирлар, деб таъкидлади у.



**● ВАТАН машинасозлигини яратиш халқ Кореяси экономикасини ривожлантиришда эришилган муҳим ютуқлардан биридир. У халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника тараққиёти ва қайта ускуналаш учун негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Тэан оғир машинасозлик заводини ҳақли равишда КХДР оғир индустриясининг байроқдори деб ҳисоблайдилар. Суратда: Тэан заводи цехларининг бирида.**

**ЦТАК—ТАСС фотоси.**

## ЯҚИН ВА ЎРТА ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИДА

**ИСЛОМОБОД**

Покистон парламентининг юқори палатаси унинг муҳокамасига қўйилган конституцияга тўққизинчи тузатиш лойиҳасини — «шариат қонуни» деб аталган лойиҳани маъқуллади. Бу қонунга мувофиқ, мамлакатдаги мавжуд қонунлар ислом тариқатига мувофиқлаштирилиб, қайта кўриб чиқилиши керак. Фақат молиявий фаолиятни ва солиқ солишни тартибга солувчи қонунлар бундан истиснодир. Қонун лойиҳаси узил-кесил тасдиқланиши учун уни парламентнинг қуйи палатаси — миллий ассамблея ҳам маъқуллаши керак.

Оппозициячи партиялар ҳукуматнинг янги қонун лойиҳасини Покистонда жаҳолат тартибларини қайтадан тиклаш йўлида янги қадамгина эмас, шу билан бирга сиёсий найранг, деб баҳолаб, уни қаттиқ танқид қилдилар. Покистон халқ партиясининг раҳбари Беназир Бхутто Равалпиндида сўзга чиқиб, қонун лойиҳасини шу йил кузда демократик сайлов ўтказиш учун кураш кучайиб бораётганлиги сабабли ҳукмрон режимнинг бу ҳаракатга қарши диний партияларни сиёсий майдонга олиб чиқишга қаратилган янги найранги, деб таърифлади. Беназир Бхутто президент Зиёул Хақ полиция армия ёрдамида халқ ҳаракатини бостира олмади ва эндиликда реакцион партияларга таяниб иш тутишга уринмоқда, деб таъкидлади.

**КОБУЛ**

Апрель революциясидан кейинги ўтган йилларда Афғонистонда кооперация ҳаракати мустаҳкамланди ва оммавий тус олди. Халқаро кооперация куни муносабати билан Кобулда бўлиб ўтган йиғилишда ҳозирги вақтда мамлакатда 650 га яқин қишлоқ хўжалик, матлубот ва ҳунармандчилик кооперациялари мавжудлиги, ўз сафларида 143 минг кишини бирлаштириб турганлиги айтиб ўтилди. Афғонистонда кооперация маҳсулотларини сотиш учун 216 та магазин очилган бўлиб, аҳоли бу магазинлардан кундалик зарур товарларни бозордагидан анча арзон қатъий нархларда сотиб олиши мумкин.

АДР миллий Ватан фронти составига кирувчи деҳқон кооперативлари союзи аъзолари революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Союз аъзоларидан 25 мингдан зиёд деҳқон, ишчи ва ҳунарманд ўз-ўзини ҳимоя қилиш ва тартибни сақлаш отрядларининг аъзоларидир.

**АНҚАРА**

Туркияда июль бошларини анъанавий равишда «қимматлашиш мавсуми», деб атайдилар. Хизматчиларнинг иш ҳақи даражаси ярим йил давомида пулнинг қадрсизланиши даражасига қараб қайта кўриб чиқилади ва айни пайтда истеъмол товарларининг нархи оширилади. Бироқ «Сабоҳ» газетасининг ёзишича, 1 июлдан жорий этиладиган иш ҳақига қўшимча анча аввал «эриб кетди». Гўшт, сут маҳсулотлари, қанд, ёғ, чой ва сигареталарнинг 8 процентдан 28 процентгача, асосий ёқилғи ҳисобланган кўмирнинг 30 процент, кийим-кечак, газлама ва пойабзалнинг 13 процент қимматлашганлиги иш ҳақига тахминан 11 процент қўшимчани бутунлай йўққа чиқарди.

**ҚОҲИРА**

АҚШ ва Ғарбнинг Мисрга нисбатан ўтказаётган сиёсати мамлакатнинг оддий меҳнаткашлари турмуш шароитининг кескин пасайишига олиб келмоқда. АҚШ ва Ғарб Мисрга «иқтисодий ёрдам» деб аталмиш ёрдам йўли билан уни ўзининг доимий мулкига айлантиришга уринмоқда. Водопровод, электр энергия, телефон алоқаси ҳақи 40 процент оширилиб, дори-дармонлар нархи кўтарилгач, макарон маҳсулотларига давлат субсидияси бекор қилингандан кейин бу ерда бир қанча озиқ-овқат товарлари нархи яна оширилганлиги расмий равишда эълон қилинди.

**(ТАСС, 14 июль).**

# КОМБИНАТНИНГ ГЎШТ ЦЕХИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ёрдамчи хўжаликлар ташкил этишга киришилганда бизнинг ёғ-мой комбинатимизда ҳам биринчилар қатори бу ишга қўл урилганди. Аввалига ишни 8 бош қорамол боқишдан бошладик. Дастлаб чорва учун жой йўқлиги туфайли бироз қийинчиликка дуч келдик. Лекин ҳар қандай ишни ҳам бошлаб олиш қийин бўлади. Истак, қунт, ирода бўлса бас, қийинчиликлар енгиллашади. Янгийўл районидаги Калинин номли колхоз фермаси орқасидаги ташландиқ ердан жой ажратиб беришди. Аввалига бизга қурувчилар ва пайвандчилар бригадаси ёрдам берди. Лекин ишнинг асосини ҳашар йўли билан ниҳоясига етказдик. 200 бош қорамолга мўлжалланган 2 та молхонани деярли ўз кучимиз билан қурдик. Айни шу кеча кундузда 150 бошдан ортиқ қорамолни бўрдоқига боқяпмиз. Ёрдамчи хўжалигимизда кўп эмас бор-йўғи 6 киши меҳнат қилади. Уларнинг 4 нафари молбоқар. Булар — бригада бошлиғи Даврон Холматов, молбоқарлар Маҳамаджон Азимов, Шомансур Эргашев, Қобил Далабоев ва Баҳром Усмоновлардир.

Ҳар бир молни кунига ўртача 800 граммдан семиртиришга эришаяпмиз. Бошқача қилиб айтганда суткада ўртача 120 килограмм, бир ойда 3,6 тонна қўшимча гўшт етиштирилмоқда. Вақти-вақти билан янги сўйилган гўштни комбинат ҳовлисида ўзимиз қурган дўконда сотяпмиз. Бундан ишчи-хизматчилар мамнун бўлишмоқда. Тўғри, биз ҳозирча уларнинг эҳтиёжини тўла қондиролмаяпмиз. Ёрдамчи хўжалигимизни янада кенгайтириш ниятидамиз. Яқин орада моллар сонини 200 тага етказамиз. Сўйилаётган ҳар бир молнинг тирик вазнини камида 500 килограмм бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Кам сарфлаб кўпроқ маҳсулот етиштириш шиоримиздир. Кичик коллективимизнинг режалари янада улкан. Биз озиқ-овқат программасини бажаришга озми-кўпми ҳисса қўшаётганлигимиз билан фахрланамиз.

**У. НИШОНБЕКОВ,**
**Янгийўлдаги ёғ-мой комбинати ёрдамчи хўжалиги бошлиғи.**



**СИЗ суратда кўриб турган бу аёл Ғалаба районидаги Калинин номли совхознинг тажрибали сут соғувчиси Лидия Шадринадир. У ўзига бириктилган соғин сигирлардан олти ойда пландаги 1060 килограмм ўрнига 1261 килограмм серқаймоқ сут соғиб олди. Айни кунларда эса сигирлар маҳсулдорлигини кунига 11 килограммдан оширмоқда.**

У. **Мардиқулов** фотоси.

